



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 82/3

2019 йил "26" сентябри

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни
ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда
ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги
Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Банкнинг “Кадрлар сиёсати”ни изчил амалга ошириш, шунингдек амалдаги конун ҳужжатлари тубдан ўзгарганлиги муносабати билан номзодларни Малака комиссияси суҳбати асосида саралаб Банк тизимида ишга қабул қилишни янада такомиллаштириш, мавжуд бўш иш ўринлар (вакант лавозимлар)ни юқори билим ва малакали, илғор фикрлайдиган кадрлар билан бутлаш мақсадида, Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Банк Бошқарувининг 2016 йил 16 февралдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом;

Банк Бошқарувининг 2016 йил 14 сентябрдаги 209-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Қарори;

Банк Бошқарувининг 2018 йил 17 апрелдаги 119-сонли Қарори билан тасдиқланган:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бош офиси ва Амалиёт бошқармасига ишга кириш бўйича мурожаат қилган номзодларнинг билимини баҳолаш тўғрисида”ги;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув аъзолари, Бош Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси, минтақавий ва қуйи филиал раҳбарлари, бош бухгалтер лавозимига тавсия этилган номзодларнинг лавозимига мувофиқлигини баҳолаш тўғриси”ги;

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимига ёш, иқтидорли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган кадрларни жалб қилиш бўйича “Internship” лойиҳасини амалга ошириш тўрисида”ги вақтинчалик Тартиблар.

3. Кадрлар бошқармаси (А.Нодиров) мазкур қарор кучга кирган кундан кечикмасдан тегишли таркибий бўлинма ва филиалларга етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.Аннакличев ва Кадрлар бошқармаси бошлиғи А.Нодиров зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бухгалтерия ҳисоби ва
ҳисоботи департаменти директори

Юридик департамент
директори

Кирилди:

Кадрлар бошқармаси
бошлиғи

А.Воитов

С.Аннакличев

А.Эргашев

Я.Абдуроззоков

З.Азимов

О.Вохидов

Б.Норхужаев

А.Нодиров



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Юридик департаменти
Методология бошқармасида
2019 йил “26” сентябр
“362”- сон билан

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш,
уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрири)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари” (рўйхат рақами: 746, 1999 йил 14 июнь), “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларнинг ижро органлари раҳбарларига нисбатан Малака талаблари” (рўйхат рақами: 2989, 2018 йил 30 март), “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель) ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ички меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш, тасдиқлаш ва ҳисобини юритиш тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 305, 2019 йил 29 январь) Низомлар ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Кадрлар сиёсати ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий ҳужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда - Банк) тизимида фуқароларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Банк тизимида фуқароларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш, ходимлар ротациясини амалга ошириш ҳамда малакасини ошириш ва кадрлар захирасини шакллантириш ходимлар билан ишлашнинг устувор вазифаси этиб белгиланади.

Ходимларнинг ҳисобини юритиш Банкда Кадрлар бошқармаси, филиалларда кадрлар хизмати томонидан амалга оширилади.

2. Банк тизимига жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан қатъи назар, ўзининг касбий, ишчанлик, шахсий ва ахлокий фазилатлари, тажрибаси, малакаси, маълумоти даражаси ва соғлиғига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ишга қабул қилинади.

Қуйидаги шахслар Банк тизимига ишга қабул қилиниши мумкин эмас:

ўн олти ёшга тўлмаган шахслар;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

ишга кириш учун сохта ҳужжатлар ёки била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этган шахслар.

Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, Банкнинг бир таркибий бўлинмаси ёки бир филиалда бирга ишлашлари тақиқланади.

3. Банк тизимига ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни;

меҳнат дафтарчасини (биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно). Ўриндошлик асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан берилган маълумотнома тақдим этадилар;

ҳарбий хизматга мажбур ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳукукини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этади.

Агар ишга кираётган шахснинг پاسпорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати ҳақиқий бўлмаса, уни ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Ишга кираётган шахс қўшимча равишда бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этиши мумкин.

**II. Банк Бошқаруви аъзолари, Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси,
филиаллар раҳбарлари, бош бухгалтерлари лавозимига тавсия этилаётган
номзодларнинг лавозимга мувофиқлигини баҳолаш тартиби**

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тайинланади.

5. Банк Бошқаруви аъзолари, Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси, филиаллар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талаблари”га (рўйхат рақами: 2989, 2018 йил 30 март) асосан сараланади ва лавозимга тайинланади.

6. Бошқарув аъзолари, филиаллар раҳбарлари, бош бухгалтерлари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар мазкур Низомнинг 1-илоvasида белгиланган таркибдаги “Лавозимга мувофиқликни баҳолаш комиссия”си томонидан кўриб чиқилади ва суҳбатдан ўтказилади.

7. Лавозимга мувофиқликни баҳолаш комиссия йиғилиши комиссия аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда Комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Комиссия иши Кадрлар бошқармаси томонидан ташкил этилади.

8. Комиссияга номзоднинг қуйидаги ҳужжатлари тақдим этилади:

филиал (ёки Бошқарув Раиси ўринбосарининг Бошқарув Раиси номига ёзган билдиришномаси) тақдимномаси;

номзоднинг паспорт нусхаси;

сўровнома;

таржимаи ҳол;

объектив-маълумотнома;

ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси;

меҳнат дафтарчаси;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 4 дона сурат (*оқ фонда*);

судланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, судланганлик ҳолати тугалланганлигини ёки судланганлик ҳолати олиб ташланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Зарур ҳолларда номзод тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ахборотлар номзоднинг ўзидан, шунингдек тегишли ваколатли ташкилотлардан аниқланиши мумкин.

9. Номзоднинг лавозимга мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат орқали аниқланади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

Суҳбат натижаларига кўра номзод тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ деб топилганда, номзодни лавозимга тайинлаш бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади ва буйруқ қабул қилинади.

10. Номзод суҳбат натижаларига кўра тавсия этилган лавозимга номувофиқ деб топилса, бу ҳақда Кадрлар бошқармаси бошлиги томонидан тегишли филиалга ёзма равишда маълум қилинади.

11. Бошқарув аъзолари таркибига ҳужжатларни расмийлаштириш Банкнинг Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

12. Банк тизимига ишга қабул қилинаётган, юқори лавозимга кўтарилаётган ходимлар зарур ҳолларда уларнинг интеллектуал салоҳиятини аниқлаш мақсадида “IQ Test” ва/ёки “Zukko Test”дан ўтказилиши мумкин.

III. Банк тизимига ишга кириш бўйича мурожаат қилган номзодларнинг билимини баҳолаш, лавозимларга тайинлаш тартиби

13. Банк тизимида ишга кириш бўйича мурожаат қилган фуқароларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш ҳамда уларнинг малакасини аниқлаш бўйича Банкда мазкур Низомнинг 2-илоvasида белгиланган таркибдаги “Малака комиссияси” тузилади ва номзодлар суҳбатдан ўтказилади.

Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси ва филиалларга ишга кириш бўйича мурожаат қилган фуқароларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш, уларнинг малакасини аниқлаш ҳамда суҳбат натижаларига кўра ишга қабул қилишга лойиқлигини кўриб чиқиш мақсадида Банк комиссияси таркибидан келиб чиқиб, филиалларда “Малака комиссияси” тузилади.

14. Комиссия йиғилиши комиссия аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда Комиссия котиби овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Комиссия иши Банкда Кадрлар бошқармаси, филиалларда кадрлар хизмати томонидан ташкил этилади.

15. Банк тизимига ишга кириш бўйича мурожаат этган шахс қоида тариқасида Банк-молия фаолиятига оид бўлган олий маълумотга эга бўлиши лозим.

Банк фаолиятидаги зарурият, амалга оширилаётган ислоҳот ва янгилик, шунингдек, таркибий бўлинманинг ўзига хос хусусияти, зиммасига юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиқиб, бошқа йўналишдаги олий маълумотли фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

Истисно тариқасида шахснинг иқтидори, интеллектуал салоҳияти, коммуникатив сифатлари, билими, малакаси, амалий тажрибаси ва банк ривожига учун кўша оладиган ҳиссаси, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти ва банк эҳтиёжидан келиб чиқиб, Бошқарув Раиси банк тизимида иш стажига эга бўлмаган

(шу жумладан, олий маълумотга эга бўлмаган) мутахассисларни Банк Бошқаруви аъзолари билан ўтказиладиган дастлабки суҳбат натижаларига кўра (танловсиз) ишга қабул қилишга (бошқа лавозимга ўтказишга) ёки филиалга ишга қабул қилиш бўйича тавсия беришга ҳақлидир.

16. Комиссия ишга кириш бўйича мурожаат қилган фуқароларнинг Банк фаолиятига оид назарий ва амалий билимларини баҳолаб, малакасини аниқлайди ҳамда суҳбат натижаларига кўра ишга қабул қилишга лойиқлиги ёки нолойиқлиги бўйича хулоса беради.

17. Суҳбат натижалари ҳамда номзоднинг билими, тажрибаси ва малакасидан келиб чиқиб, Комиссия томонидан суҳбат хулосасига кўра номзодга тегишли таркибий бўлинмада мавжуд бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар)дан бири таклиф этилиши мумкин.

18. Суҳбатга кираётган номзод комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

паспорт;

маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом ва унинг иловаси) нусхаси ёки Олий таълим муассасасининг маълумотномаси;

объектив-маълумотномаси;

меҳнат дафтарчаси (мавжуд бўлса);

ихтиёрий равишда қўшимча ҳужжатлар.

19. Комиссия аъзолари томонидан номзод билан қуйидаги тартибда суҳбат ўтказилиши лозим:

таълим муассасасини тамомлаб, биринчи марта ишга кираётган номзодларнинг Банк фаолиятига оид умумий назарий билимлари, банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлиги ўрганилади;

бошқа банк ёки ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган (борган) номзодларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари билан биргаликда уларнинг ишчанлик қобилияти, банк фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини амалиётга татбиқ қила олиши, шунингдек республикада амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлиги ўрганилади;

номзоднинг хорижий тилларни мукамал билиши ишга қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

20. Комиссия томонидан берилган саволлар мазмуни, номзоднинг жавоблари қуйидаги мезонлар билан баҳоланади ҳамда натижа суҳбат варақасида қуйидагича ифодаланади:

“жавоб тўлиқ” – саволга тўғри, аниқ ва тўлиқ жавоб берилганда ҳамда қўшимча маълумотлар берилган тақдирда;

“жавоб тўлиқ эмас” – саволга жавоб бериш йўналиши тўғри танланган, аммо, берилган саволга қисман жавоб берилган ёки қисман хатога йўл қўйилган тақдирда;

“жавоб йўқ” – саволга нотўғри жавоб берилганда ёки умуман жавоб берилмаганда;

суҳбат натижасидан келиб чикиб, номзод тўғрисида “Банкка ишга қабул қилинишига лойиқ” ёки “Банкка ишга қабул қилинишига нолойиқ” хулосаси берилади.

21. номзод билан ўтказилган суҳбат натижалари мазкур Низомнинг 3-илоvasида белгиланган шаклдаги суҳбат варақаси асосида расмийлаштирилади.

22. Комиссия аъзоларининг саволлари ва уларга берилган жавоб, суҳбат натижаси бўйича берилган баҳо, натижавий хулоса акс этган суҳбат варақаси Комиссия котиби томонидан тўлдирилади ҳамда шу вақтнинг ўзида Комиссия аъзолари ва номзодга имзо қўйдирилиб, тасдиқланади.

Номзод суҳбат варақасини имзолашдан бош тортган тақдирда, Комиссия котиби томонидан суҳбат варақасининг “номзод имзоси” қисмига бу ҳақда ёзув киритилади.

23. Суҳбат натижаси асосида Комиссия томонидан “Банкка ишга қабул қилинишига лойиқ” хулосаси берилган номзодга ишга кириш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш бўйича тавсиялар берилади.

24. Ишга кириш бўйича Банкка оғзаки, ёзма ёки электрон равишда мурожаат қилган ҳамда Комиссия суҳбатига кирадиган номзодлар “Банкка ишга кириш бўйича мурожаат қилган номзодларни рўйхатга олиш махсус китоби”да рўйхатга олинади. Махсус китоб рақамланган, тикилган, Бошқарув Раиси ўринбосари (филиалда эса филиал раҳбари) томонидан имзоланган ҳамда Банк мухри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Махсус китоб Комиссия котиби томонидан юритилади (тўлдирилади) ва Банкнинг Кадрлар бошқармасида (филиалларда кадрлар хизматида) сақланади.

IV. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича

Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш тартиби

25. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлар рўйхати:

Бошлиқ (бошқарувчи) ўринбосарлари;

Бош бухгалтер ўринбосарлари;

Бўлим бошлиқлари;

Сектор мудирлари;

Банк хизматлари маркази (мини банк) мудирлари;

Касса мудирлари;

26. Ушбу лавозимларга номзодлар Банк тизимида ишлаётган ёки бошқа тижорат банклари ва ташкилотларда ишлаётган ходимлар орасидан саралаб олиниши мумкин.

27. Қўйи филиаллар томонидан Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия қилинаётган номзодларнинг ҳужжатлари минтақавий филиалга кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим қилиши лозим.

Минтақавий филиаллар тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади, номзод минтақавий филиал бошлиғи, тегишли ўринбосари ва таркибий бўлинма раҳбари суҳбатидан ўтгандан сўнг, минтақавий филиал бошлигининг тавсия хати билан “Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссия”си суҳбатидан ўтиш учун Банкка юборилади.

28. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия этилаётган номзодларга тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатлар Кадрлар бошқармасига тақдим этилиши лозим:

минтақавий филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси) бошлиғи томонидан Банк Бошқаруви Раиси ёки ўринбосари номига ёзилган тавсия хати;
номзоднинг белгиланган шаклдаги объектив-маълумотномаси;
олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси;
судланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, судланганлик ҳолати тугалланганлигини ёки судланганлик ҳолати олиб ташланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

29. Лавозимга тавсия этилаётган номзодлар қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
Ўзбекистон Республикасининг банк фаолиятига оид қонунлари;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банк фаолиятига оид қарорлари;
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари;
Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари;
тижорат банкларида Корпоратив бошқарувни ташкил этиш асослари;
Банк баланси ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби;
молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари, банкнинг ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;
пул муомаласи, касса амалиётлари, омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;
чет эл валютаси, қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;

Республика банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар, Бошқарув қарори билан тасдиқланган миждозларга хизмат кўрсатиш стандартлари.

30. Номзод танлангандан сўнг, мазкур Низомнинг 4-иловасида белгиланган таркибдаги “Филиаллар бўйича Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси суҳбатига чақирилади ва мазкур Низомнинг 29-бандида келтирилган рўйхат асосида суҳбатдан ўтказилади.

31. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия этилаётган номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳоловчи коллегиял орган ҳисобланади.

32. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг йиғилиш вақти комиссия Раиси томонидан белгиланади. Комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ва вақт номзодларга камида икки кун олдин Кадрлар бошқармаси томонидан маълум қилинади.

Қоида тариқасида Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг йиғилиши ҳафтанинг жума куни ўтказилилади.

33. Комиссия иш фаолиятида номзодларнинг билим ва малакаси, ишбилармонлиги, раҳбарлик қобилияти, шахсий хатти-ҳаракатида тўғри иш юритганлиги, ўзаро яқин қариндош ёки куда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва кизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида ишламаслик ҳолатларига эътибор қаратади.

34. Комиссия мажлисига Комиссия Раиси бошчилик қилади. Комиссия Раиси бўлмаган тақдирда Комиссия мажлисини унинг ўринбосари ўтказди. Комиссия мажлисларида унинг аъзолари шахсан қатнашишлари шарт. Агар Комиссия аъзоси узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнаша олмаса, унинг ўрнига лавозими бўйича ўринбосари ёки ўзи тавсия қилган бошқа малакали ходим қатнашиши мумкин.

35. Комиссия йиғилиши ва қарорлари аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда, Комиссия Раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Комиссия ишини ташкил этиш Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг иш фаолияти ушбу Низом талаблари асосида видеоконференцалоқа воситалари орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

36. Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларда ишлаётган ходим бир филиал таркибидан бошқа филиал таркибидаги тенг лавозимга ўз йўналиши бўйича тавсия этилганда ёки юқори лавозимдан ўз хоҳишига кўра (ёзма розилиги асосида) қуйи лавозимга ўтказилганда, ушбу ходимнинг ҳужжатлари Касбга

мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига таклиф этилмасдан, танишув варақасидан фойдаланилган ҳолда расмийлаштирилади.

Филиал раҳбари ўринбосари лавозимидан раҳбарнинг биринчи ўринбосари лавозимига, шунингдек, бош бухгалтер ўринбосари лавозимидан бош бухгалтернинг биринчи ўринбосари лавозимига (ёки аксинча) тавсия этилган ходимларнинг ҳужжатлари ҳам ушбу бандда кўрсатилган тартибда расмийлаштирилиши мумкин.

37. “Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссия”сининг хулосаси мажлис баённома қарори билан расмийлаштирилади. Комиссия номзодларга тегишли тавсияларни, жумладан, Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва филиалларда малакасини ошириш, стажировка ўташ, маълум йўналишлар бўйича билимини янада чуқурлаштириш, “устоз-шогирд” анъанасини қўллаган ҳолда мураббийга бириктириш каби тавсияларни бериш ҳуқуқига эга.

Комиссия аъзолари, котиби ва номзод томонидан мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклдаги савол-жавоблар варақаси имзоланади. Комиссия мажлис баёни комиссия Раиси ва ўринбосари томонидан имзоланади.

38. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси томонидан номзоднинг билим даражаси етарли эмас деб топилган тақдирда тайёрланиш ва қайта суҳбатдан ўтиш учун икки ҳафтагача муддат белгиланиши мумкин.

39. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг тегишли хулосаси (қарори) билан филиал бошлиғи (бошқарувчи) ўринбосарлари, бош бухгалтер ўринбосарлари лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш Бошқарув Раиси буйруғи асосида амалга оширилиб, ушбу буйруқдан филиалларга кўчирма юборилади. Буйруқнинг асл нусхаси Банкда ўрнатилган тартибда сақланади.

Номзод тавсия этилган лавозимга нолойиқ деб хулоса қилинган тақдирда, бу ҳақда Комиссия Раиси ва Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан имзоладиган хат орқали тегишли филиалга маълум қилинади.

40. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси хулосаси (қарори)га асосан бўлим бошлиғи, сектор мудир, Банк хизматлари маркази (минибанк) мудир, касса мудир лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш, ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги кўрсатма хати Комиссия Раиси ва Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ва филиалларга жўнатилади.

41. Минтақавий филиаллар Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатидан ўтган номзодларга ушбу Комиссия томонидан берилган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади.

42. Банк тизимида ходимларни қуйи лавозимларга ўтказиш қуйидаги ҳолатларда Банкнинг рухсатсиз амалга оширилиши мумкин:

Банк тизимида ўтказилган ички аттестация комиссиясининг қарори билан ёки Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбати натижасида тавсия этилган

лавозимга ёхуд эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган ходимга ўз йўналиши ёки тажрибаси бўйича қуйи лавозимга ўтказиш;

ёш ва малакали ходимларни юқори лавозимларга ўтказиш орқали рағбатлантириш мақсадида, нафақа ёшига етган ходимларнинг розилиги асосида маълумоти ва тажрибасига мувофиқ қуйи лавозимга ўтказиш;

филиал лавозим штатлар жадвали ўзгариши муносабати билан ходимни маълумоти, тажрибаси ва мутахассислигига мувофиқ бошқа қуйи лавозимга ўтказиш;

ходим ўз лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажара олмаганда, унинг ёзма розилиги асосида қуйи лавозимга ўтказиш.

V. Банк тизимида ходимларни лавозимга тайинлаш тартиби

43. Мазкур Низомнинг 25-бандида кўрсатилган лавозимлардан кичик бўлган барча лавозимлар филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлар ҳисобланади.

44. Қоида тариқасида Банк таркибий бўлинмалари, филиаллар ва Амалиёт бошқармаси номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодлар танлашда улар банк тизимида қуйидаги иш стажига эга бўлиши лозим:

Бўлим бошлиғи ўринбосари	-	3 йилдан кам бўлмаган;
Бош мутахассис	-	3 йилгача;
Етакчи мутахассис	-	2 йилгача;
1-тоифали мутахассис	-	1 йилгача (агар таркибий бўлинмада ундан кичик вакант лавозим бўлмаса, стаж талаб этилмайди);
2-тоифали мутахассис, мутахассис ва ундан кичик бўлган лавозимлар		стаж талаб этилмайди

Истисно тариқасида банк фаолиятининг ривожланишида аниқ кўрсаткичларга эришган ҳамда умумий иш натижасига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, иқтисодий самарадорликни ошириш, умидсиз кредитларни қайтариш, ахборот технологиялари бўйича янги дастурларни яратишда ўз ҳиссасини қўшган, шунингдек ёш ходимлар (шу жумладан, олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари ёки битирувчилари)ни қўллаб-қувватлаш ва самарали ходимларга мотивация бериш мақсадида номзодларни юқори лавозимга тайинлаш ёки ишга қабул қилиш муддатлари Бошқарув Раиси, Раис ўринбосарлари, Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва филиал раҳбарларининг тавсиясига асосан алоҳида кўриб чиқиши мумкин.

45. Банк ходимлари тегишли таркибий бўлинма раҳбари, Кадрлар бошқармаси бошлиғи ёки Бошқарув Раиси ўринбосарининг Бошқарув Раиси номига ёзилган билдиришномаси асосида ишга қабул қилинади ёки лавозимга ўтказилади.

46. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси номенклатураси таркибига кирувчи кассир, катта кассир, назоратчи кассир, маъмурий хўжалик бўлими ходимлари (хўжалик мудири, фаррош, электрик, хайдовчи, боғбон ва бошқа) ва бошлиқ ёрдамчиси номзодларини ишга қабул қилиш масаласи Банк билан келишилмасдан филиал раҳбарлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ мустақил кўриб чиқилади.

47. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармасининг юридик, кадрлар, компьютерлаштириш, ижро назорати, мурожаатлар ва лойиҳалар билан ишлаш, ресепшн, архив, муҳандис, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш хизмати раҳбарлари ва ходимлари лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш, уларни Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига таклиф этмасдан, таркибий бўлинма раҳбари, Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Юридик департамент директори билан келишилган (танишув варақасидан фойдаланилган) ҳолда амалга оширилади. Зарур ҳолларда муайян йўналишга масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари билан ҳам келишилиши мумкин.

48. Мутахассис, 2-тоифали мутахассис ва 1-тоифали мутахассис лавозимига номзодларни ишга қабул қилиш ёки ўтказиш тегишли ҳужжатлар (номзоднинг объектив маълумотномаси ва диплом нусхаси) тақдим этилиб, Кадрлар бошқармаси ҳамда Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси ҳулосаси олингандан сўнг, филиал раҳбарлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ мустақил амалга оширилади.

Бунда, номзод Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси масъул ходимлари томонидан телефон ёки видеоконференцалоқа воситаси орқали ишга қабул қилинаётган бўлимнинг асосий вазифалари, банк хизмати турлари ва мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари ҳақидаги кўникмалари синовдан ўтказилгандан сўнг, Кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳамда Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан номзодни ишга қабул қилиш, лавозимга ўтказиш ёки рад этиш бўйича тегишли кўрсатма хати имзоланиб, филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси)га юборилади.

49. Етакчи мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимига ишга қабул қилинаётган ёки ўтказилаётган номзоднинг ҳужжатлари тегишли филиал орқали Кадрлар бошқармасига лавозимга лойиқлик масаласини кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Ушбу лавозимга ишга қабул қилинаётган ёки ўтказилаётган номзоднинг назарий ва амалий билимлари, банк хизмати турлари ва мижозларга хизмат

кўрсатиш стандартлари ҳақидаги кўникмалари Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси масъул ходимлари томонидан телефон ёки видеоконференцалоқа воситаси орқали синовдан ўтказилади. Зарур ҳолларда номзод суҳбатдан ўтиш ва иш ўрганиш учун Банкнинг тегишли таркибий бўлинмасига чакиртирилиши мумкин.

50. Номзод ва унинг ҳужжатлари тегишли йўналиш бўйича таркибий бўлинма раҳбари, Кадрлар бошқармаси бошлиғи, Юридик департамент директори билан келишилгандан (танишув варақаси тўлдирилганидан) сўнг, Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан номзодни ишга қабул қилиш, лавозимга ўтказиш ёки рад этиш бўйича тегишли кўрсатма хати имзоланиб, филиал (Амалиёт бошқармаси)га юборилади. Зарур ҳолларда муайян йўналишга масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари билан ҳам келишилиши мумкин.

51. Банкнинг тегишли кўрсатма хати олингандан сўнг, ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга ўтказиш филиал (Амалиёт бошқармаси) раҳбари буйруғи билан амалга оширилади.

VI. Банк тизимида ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби

52. Ротация - бу ходимнинг ёзма розилиғи билан вақтинча ёки доимий бошқа тенг, қуйи ёки юқори лавозимга, вақтинча бўш бўлган (вакант, асосий ходимнинг бола парваришlash, ўқув таътиллари даврига ва ҳ.к) лавозимга ушбу лавозим мажбуриятларини бажариш шарти билан ўтказишдир.

53. Ротациянинг асосий мақсади ходимнинг бошқариш кўникмаларини, вазиятга мослашиш қобилиятини аниқлаш, ишчанлик ва шахсий хислатларини баҳолаш, лавозим ўрнини алмаштириш орқали бошқа таркибий бўлинмалар вазифасини амалиётда ўрганишдан иборат.

54. Қуйидаги ҳолатлар ходимлар ротациясини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади:

амалдаги қонун ҳужжатлари ва Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга асосан ходимлар ротациясини белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш;

вақтинча бўш штат бирликларини тўлдириш чораларини кўриш;

кадрлар ва уларнинг захирасини мунтазам равишда янгилаб бориш;

ходимлар иш тажрибасини ошириш;

хизмат ва шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда ходимларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

ходимлар соғлиғи ҳолатининг ўзгариши, муайян ёшга етиши;

ходимларнинг оилавий шароити;

ходим ёки иш берувчи ташаббуси билан;

амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳолатларда.

55. Ротациянинг даври ходимнинг бевосита раҳбари ва ротацияга юборилган бўлинма (филиал)нинг раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади.

56. Филиал раҳбарининг тавсиясига кўра ходимни эгаллаб турган тенг, қуйи ёки юқори лавозимга вақтинча ротация қилиш ходимнинг ёзма розилиги асосида Банк билан келишмасдан ички буйруқ (ишлаб чиқаришга оид бўлган буйруқ) билан амалга оширилади.

57. Ходим ротациясининг ижобий натижаларига кўра, уни раҳбарлик лавозимлари захирасига киритиш, шунингдек ротация қилинган лавозимга доимий ўтказиш учун ушбу Низом талаблари асосида тавсия қилиниши мумкин.

58. Валюта айирбошлаш шохобчаси ва бошқа бўлим кассирлари ротацияси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Банк тизимига ёш, иқтидорли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган кадрларни жалб қилиш бўйича “Internship” лойиҳасини амалга ошириш тартиби

59. “Internship” лойиҳаси – Банк фаолияти ва эҳтиёжига оид (иқтисод, ҳуқуқ, ахборот технологиялари ва бошқа зарурий) мутахассислик бўйича олий таълим муассасасининг бакалавр йўналиши 3-4 босқичлари ва магистратура бўлимида таҳсил олаётган иқтидорли, ташаббускор, замонавий фикрлайдиган, юқори билим ва малакага эга, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган ҳамда ўқишни муваффақиятли давом эттираётган (тамомлаётган) талабаларни стажировка ўташ ва кейинчалик мавжуд вакант ўринларга ишга қабул қилиш учун Банк тизимига жалб қилиш фаолияти ҳисобланади.

Шунингдек, истисно тариқасида Бошқарув Раисининг розилиги асосида ушбу бандда назарда тутилган талабларга жавоб берадиган олий таълим муассасасининг қуйи босқичида таҳсил олаётган талабалари ҳам “Internship” лойиҳасига жалб этилиши мумкин.

60. “Internship” лойиҳаси қоидага кўра, Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, хорижий олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги филиаллари, шунингдек банк фаолияти ва амалиётига оид мутахассисларни тайёрлайдиган бошқа олий таълим муассасаси талабаларига нисбатан татбиқ этилади.

61. Стажировка ўташ учун мурожаат қилган номзодларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш, уларнинг малакасини аниқлаш мақсадида Банк ва филиалларда мазкур Низомнинг 5-илоvasида келтирилган таркибда “Сухбат комиссияси” тузилади.

62. Комиссияга кираётган номзод қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

паспорт нусхаси;
объектив-маълумотнома (резюме);
рейтинг баҳоларидан кўчирма;
номзод томонидан ихтиёрий равишда қўшимча ҳужжат берилиши мумкин.

63. Комиссиядан муваффақиятли ўтган талабалар Банк тизимида стажировка ўташ учун қабул қилинади. Стажировка Банк, унинг ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси ва филиалларда ўтказилиши мумкин. Стажировка ўташ муддати (3 ойгача), тартиби ҳамда жойи Кадрлар бошқармаси томонидан талаба билан келишилган ҳолда белгиланади.

Стажировка ўташ учун қабул қилинган ҳар бир талабага Кадрлар бошқармаси (филиалда кадрлар хизмати) томонидан “устоз-шогирд” тамойили асосида Банк ходими мураббий этиб белгиланиши мумкин.

64. Стажировка ўтувчи талабадан стажировка давомида Банк ходими зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни ўрганиши, ички меҳнат тартиби, Корпоратив этика, Банк ва тижорат сири, меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъиян риоя қилиши шарт.

65. Стажировка якуни бўйича Банк таркибий бўлинмаси (филиал) раҳбари томонидан Кадрлар бошқармаси бошлиғи билан келишган ҳолда стажировка ўтувчини мавжуд вакант лавозимга ишга қабул қилиш бўйича Бошқарув Раисига билдиришнома тақдим этилади. Билдиришномада стажировка ўтувчи томонидан мажбуриятномада белгиланган талабларга риоя қилинганлиги, Банк фаолиятининг қайси соҳасини ўрганганлиги, стажировка ҳамда топшириқларни бажариши натижаларига кўра Банк тизимига ишга қабул қилишга мувофиқлиги тўғрисида хулоса кўрсатилиши мумкин.

66. Зарур ҳолларда стажировкадан муваффақиятли ўтган ва ишга қабул қилишга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилган талабаларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш, уларнинг малакасини аниқлаш ҳамда суҳбат натижаларига кўра ишга қабул қилишга лойиқлиги юзасидан хулоса бериш мақсадида Комиссия томонидан саралаш синови ўтказилиши мумкин.

Комиссиянинг саралаш синовидан муваффақиятли ўтган талабаларни амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида Банк тизимига ишга қабул қилиниши тавсия қилинади. Шунингдек, мураббий этиб бириктирилган Банк ходимига Кадрлар бошқармаси бошлиғи билдиришномаси асосида моддий рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин.

67. Банк тизимига ёш, иқтидорли, юқори малакали, илгор фикрлайдиган ва ташаббускор кадрларни жалб қилиш мақсадида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларнинг бир йиллик (кейинчалик 5 йилгача ишлаб бериш шarti билан) ёки ярим йиллик ўқиш (кейинчалик 2,5 йилгача ишлаб бериш шarti билан) тўловлари “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимига мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун тўлов-шартнома асосида банк маблағлари

ҳисобидан ўқитишни ташкил этиш Тартиби”га асосан Банк ҳисобидан тўлаб берилиши мумкин.

68. Ўқиш пули тўлаб берилаётган талаба, унинг ота-онаси (кафиллар) ва Банк ўртасида уч томонлама Банк тизимида ишлаб бериш мажбурияти юзасидан шартнома тузилади. Ўқиш учун тўлов шартнома тузилганидан кейин амалга оширилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

69. Ушбу Низомда назарда тутилган қоидаларнинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Киритилди:

Кадрлар бошқармаси бошлиғи  А.Нодиров

Келишилди:

Юридик департамент
Методология бошқармаси бошлиғи  Ш.Низаметдинов

Ички назорат
департаменти директори  А.Холов

Риск менежмент
департаменти директори  З.Усманов

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида
 ходимларни ишга қабул қилиш, уларни
 лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар
 ротациясини амалга ошириш тартиби
 тўғрисида”ги Низомга
 1-ИЛОВА

**Бошқарув аъзолари, минтақавий ва қуйи филиаллар раҳбарлари,
 бош бухгалтерлари лавозимига тавсия этилаётган номзодларни
 лавозимга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси
 ТАРКИБИ**

1.	Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари	комиссия Раиси
2.	Бошқарув Раиси ўринбосари	комиссия Раиси ўринбосари
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	комиссия аъзоси
4.	Юридик департамент директори	комиссия аъзоси
5.	Кичик бизнесни кредитлаш департаменти директори	комиссия аъзоси
6.	Касса операцияларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи	комиссия аъзоси
7.	Кадрлар бошқармаси бошлиғи	комиссия аъзоси
	Кадрлар бошқармаси масъул ходими	комиссия котиби

Изоҳ: Комиссия аъзоси ишда йўқлигида (вакант, бекат, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) уларнинг лавозимига янгидан тайинланган ёки функцияси юклатилган шахслар комиссия таркибига киритилади. Комиссия Раиси зарур ҳолларда бошқа таркибий бўлинмадан ҳам ходим жалб қилиши мумкин. Агар Комиссия аъзоси узрли сабабларга кўра қатнаша олмаса, унинг ўрнига лавозими бўйича ўринбосари ёки комиссия Раиси тавсия қилган бошқа малакали ходим қатнашиши мумкин.

Комиссия Раиси ишда йўқлигида (вакант, бекат, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) комиссия фаолиятига Комиссия Раиси ўринбосари раҳбарлик қилади.

Банк Бошқаруви аъзолари таркибига номзод киритиш масаласи кўриб чиқиляётганда, ушбу комиссияга Бошқарув Раиси Раислик қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида
ходимларни ишга қабул қилиш, уларни
лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар
ротациясини амалга ошириш тартиби
тўғрисида”ги Низомга
2-ИЛОВА

Банк тизимида ишга кириш бўйича мурожаат қилган фуқароларнинг
назарий ва амалий билимларини баҳолаш ҳамда уларнинг малакасини
аниқлаш бўйича Малака комиссияси
ТАРКИБИ

№	Комиссия аъзоси	Комиссия аъзосининг Ф.И.Ш.
1.	Кадрлар бошқармаси бошлиғи	комиссия Раиси
2.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти масъул ходими	комиссия Раиси ўринбосари
3.	Кичик бизнесни кредитлаш департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
4.	Чакана кредитлаш департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
5.	Номзод ишга кириш истагини билдирган таркибий бўлинма масъул ходими (зарурат тугилганда жалб қилинади)	келишув асосида
	Кадрлар бошқармаси масъул ходими	комиссия котиби

Изоҳ: комиссия аъзоси ишда йўқлигида (вакант, бетоб, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) комиссия таркибига тегишли таркибий бўлинма раҳбари тавсия қилган ходим киритилади. Комиссия Раиси зарур ҳолларда бошқа таркибий бўлинмадан ҳам ходим жалб қилиши мумкин.

Агар Комиссия аъзоси узрли сабабларга кўра қатнаша олмаса, унинг ўрнига лавозими бўйича ўринбосари ёки комиссия Раиси тавсия қилган бошқа малакали ходим қатнашиши мумкин.

Комиссия раиси ишда йўқлигида (вакант, бетоб, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) комиссия фаолиятига Комиссия Раиси ўринбосари раҳбарлик қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида
ходимларни ишга қабул қилиш, уларни
лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар
ротациясини амалга ошириш тартиби
тўғрисида”ги Низомга
3-ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ишга кириш ва лавозимга тайинлаш
бўйича номзод билан ўтказилган
СУЎБАТ ВАРАҚАСИ

Тошкент ш. 20__ йил “__”

(номзоднинг Ф.И.Ш.)

(эгаллаб турган лавозими)

(тавсия этилаётган лавозим)

1. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

2. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

3. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

4. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

5. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

6. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

7. Савол:

Жавоб: “жавоб тўлиқ” “жавоб тўлиқ эмас” “жавоб йўқ”

Комиссия ҳулосаси: _____
тавсия этилаётган лавозимга лойиқ / тавсия этилаётган лавозимга нолойиқ

Саволлар билан танишдим: _____ / _____
(номзод Ф.И.Ш.) (имзо)

Комиссия аъзосининг лавозими	Ф.И.О.	Имзо
Кадрлар бошқармаси бошлиғи		
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти маъсул ходими		
Кичик бизнесни кредитлаш департаменти маъсул ходими		
Чакана кредитлаш департаменти маъсул ходими		
Номзод ишга кириш истагини билдирган таркибий бўлинма маъсул ходими (зарурат тугилганда жалб қилинади)		
Кадрлар бошқармаси маъсул ходими (Комиссия котиби)		

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида
ходимларни ишга қабул қилиш, уларни
лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар
ротациясини амалга ошириш тартиби
тўғрисида”ги Низомга
4-ИЛОВА

**Филиаллар бўйича Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга
номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси
ТАРКИБИ**

1.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	комиссия Раиси
2.	Кадрлар бошқармаси бошлиғи	комиссия Раиси ўринбосари
3.	Юридик департамент Ҳуқуқий таъминот бошқармаси бошлиғи	комиссия аъзоси
4.	Банкни стратегик ривожлантириш департаменти директори	комиссия аъзоси
5.	Кичик бизнесни кредитлаш департаменти директори	комиссия аъзоси
6.	Ички назорат департаменти директори	комиссия аъзоси
7.	Номзод йўналиши бўйича масъул таркибий бўлинма раҳбари (зарурат тугилганда жалб қилинади)	келишув асосида
	Кадрлар бошқармаси ходими	комиссия котиби

Изоҳ: Комиссия аъзоси ишда йўқлигида (вакант, бетоб, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) унинг ўрнига лавозими бўйича ўринбосари ёки таркибий бўлинма раҳбари ёхуд комиссия раиси тавсия қилган ходим иштирок этиши мумкин. Комиссия Раисига зарур ҳолларда бошқа таркибий бўлинмадан ҳам ходим жалб қилиш ваколати берилади.

Комиссия раиси ишда йўқлигида (вакант, бетоб, меҳнат таътили, хизмат сафарида бўлганда ва бошқа) комиссия фаолиятига Комиссия Раиси ўринбосари раҳбарлик қилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида
ходимларни ишга қабул қилиш, уларни
лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар
ротациясини амалга ошириш тартиби
тўғрисида”ги Низомга
5-ИЛОВА

“Internship” лойиҳаси бўйича Бош банкда стажировка ўташ учун мурожаат
қилган номзодларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолаш бўйича
суҳбат комиссияси
ТАРКИБИ

1.	Кадрлар бошқармаси бошлиги	комиссия Раиси
2.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
3.	Кичик бизнесни кредитлаш департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
4.	Чакана кредитлаш департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
5.	Ташқи иқтисодий фаолият департаменти масъул ходими	комиссия аъзоси
	Кадрлар бошқармаси масъул ходими	комиссия котиби

Изоҳ: Комиссия раиси зарур ҳолларда бошқа таркибий бўлинмадан ҳам ходим жалб қилиниши мумкин. Комиссия йиғилиши комиссия аъзоларининг умумий сонининг камида ярми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия иши Кадрлар бошқармаси томонидан ташкил этилади.